

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5** “*импакт-фактор*” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Юридик фанлари*

**ГАФУРОВ Фарход Рашидович**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси*

*Божхона институти катта ўқитувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539122>

## ТЕЗКОР ТАДҚИҚОТ – ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ СИФАТИДА

### АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашишнинг янги усули сифатида тезкор тадқиқот номли янги тезкор-қидирув тадбирини жорий этиш ва унинг долзарблиги ёритилган. Шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш соҳасида учраётган муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор ходимлар, тезкор тадқиқот, хорижий давлатлар, тезкор-қидирув қонунчилиги, криминоген вазият, жиноятчиликка қарши курашиш.

## ОПЕРАТИВНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ – КАК НОВЫЙ МЕТОД БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ

### АННОТАЦИЯ

В данной научной статье описывается внедрение нового оперативно-розыскного мероприятия под названием оперативное исследование как нового метода борьбы с преступностью в Республике Узбекистан и его актуальность. Также описаны проблемы, возникающие в области оперативно-розыскных мероприятий и предложения по их решению.

**Ключевые слова:** оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскная мероприятия, оперативный сотрудник, оперативное исследование, зарубежные страны, оперативно-розыскное законодательства, криминогенная ситуация, борьба с преступностью.

## OPERATIONAL RESEARCH AS A NEW METHOD OF FIGHTING CRIME

### ANNOTATION

This scientific article describes the introduction of a new operational-search activity called operational research as a new method of combating crime in the Republic of Uzbekistan and its relevance. Also, problems encountered in the field of rapid search operations and proposals for their solution are described.

**Keywords:** operational-search activity, operational-search activities, operational officer, operational research, foreign countries, operational-search legislation, crime situation, fight against crime.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашишнинг янги усуллари жорий этиш, янги пайдо бўлган жиноят аломатларига эга бўлган ижтимоий хавфли қилмишларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, бу борада шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да 16-мақсад сифатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш биринчи навбатдаги долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу стратегияда 17-мақсад сифатида қайд этилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш борасида эса ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш чораларини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунга келиб, бу каби долзарб вазифаларнинг устувор йўналиш сифатида белгиланишига Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича вужудга келган криминоген вазият тақозо қилмоқда. Чунки жамиятда янги пайдо бўлган жиноят аломатларига эга ижтимоий хавфли қилмишларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигига хавф ва таҳдидларни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш борасида қўлланилаётган усуллар, куч ва воситалар янги пайдо бўлган жиноят аломатларига эга ижтимоий хавфли қилмишларни барвақт аниқлаш вазифаси олдида самарасиз бўлиб қолмоқда.

Шу боисдан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири бўлган тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига асосан қуйидаги 16 та тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш белгиланган:

Сўров – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс билан бевосита мулоқотда бўлиш жараёнида ахборот олишдан иборат бўлган тадбир;

маълумотлар тўплаш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ўрганиш, шунингдек сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни, шу жумладан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тадбир;

қиёсий текширув учун намуналар йиғиш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида моддий объектларни келгусида қиёсий текшириш учун олишдан иборат бўлган тадбир;

текшириш учун харид қилиш – юридик ёки жисмоний шахслардан тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган товарларни ёки хизматларни ҳақ эвазига харид қилишдан иборат бўлган тадбир;

назорат остида олиш – ёлғондан битим тузишдан, яъни қонунчилик бузилиши фактини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш учун товарларни, валюта қимматликларини, моддаларни ҳамда бошқа предметларни истеъмол қилиш ёки сотиш мақсадини кўзламасдан олишдан иборат бўлган тадбир;

предметларни ва ҳужжатларни текшириш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида предметларни ва ҳужжатларни ўрганиш учун зарур илмий, техникавий ва бошқа махсус билимларга эга бўлган мутахассисларни жалб этган ҳолда ўтказиладиган тадбир;

тезкор кузатув – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида шахсларнинг ҳаракатларини, ҳодисаларни ва жараёнларни бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) ноошкора кузатиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир;

шахснинг айнанлигини аниқлаш – текшириладиган ёки қидирувдаги шахснинг шахсини идентификация қилиш ёхуд хусусий белгилари асосида аниқлашдан иборат бўлган тадбир;

турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шахслар, фактлар ҳамда ҳолатларни аниқлаш мақсадида турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, компьютерларни, алоқа қурилмаларини ва транспорт воситаларини бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) кўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган тадбир;

почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда телеграф хат-хабарларини ноошкора танлаб олиш ва ўрганишдан иборат бўлган тадбир;

телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш – махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган сўзлашувларни, шу жумладан узатиладиган матнли, график ва мультимедиа ахборотини ноошкора эшитиб туриш, тутиб қолиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир;

абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш – абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ноошкора олишдан иборат бўлган тадбир;

тезкор киритиш – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимини ёки махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсни жиноий-криминоген муҳитга ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган объектга киритишдан иборат бўлган тадбир;

назорат остида етказиб бериш – эркин реализация қилиниши тақиқланган ёки муомаласи чекланган ёхуд жиноят объекти, предмети ва қуроли бўлган товарлар, валюта қимматликлари, моддалар ва бошқа предметлар олиб ўтилишини (ташилишини, жўнатилишини, топширилишини) тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ноошкора назорат қилишдан иборат бўлган тадбир;

ниқобланган операция – жиноий-криминоген муҳитга ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган объектга киритилган шахснинг имкониятларидан тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ноошкора фойдаланишдан иборат бўлган тадбир;

тезкор эксперимент – ғайриҳуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тадбир.

Мазкур тезкор-қидирув тадбирлари янги пайдо бўлган жинойт аломатларига эга ижтимоий хавфли қилмишларни барвақт аниқлаш ва фош этиш вазифаси олдида самарасиз бўлиб қолмоқда. Шу боис, ушбу йўналишда тезкор тадқиқот номли янги тезкор-қидирув тадбирини Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига киритиш ва амалиётга жорий этиш айнан янги пайдо бўлган жинойт аломатларига эга ижтимоий хавфли қилмишларни барвақт аниқлаш бўйича самарали тезкор-қидирув тадбири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида жинойтчиликка қарши курашиш борасида тезкор тадқиқот номли янги тезкор-қидирув тадбирини жорий этишнинг долзарблигини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жинойт кодексига жинойт сифатида киритилмаган, янги пайдо бўлган жинойт аломатларига эга ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар) жамиятда учрамоқда. Аммо Жинойт кодексига жинойт сифатида киритилмаган ижтимоий хавфли қилмишларни юқорида кўрсатилган 16 та турдаги тезкор-қидирув тадбирларини қўллаб аниқлаш ва фош этиш имконсиз. Чунки янги пайдо бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этаётган шахснинг ҳаракатларида жинойт таркиби мавжуд эмас ва Жинойт кодекси билан тақиқланмаган.

Жумладан, мавжуд маълумотлар таҳлили бугунги кунда электрон валюта пул маблағларини шу жумладан, “крипто-валюта”, “Bitcoin” кабиларни ноқонуний равишда хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари содир этилаётганлигидан далолат бермоқда.

Масалан, “www.terabayt.uz” халқаро Интернет сайтида 2020 йил июнь ойида “Тошкентда нақ 3 миллион долларлик Bitcoin сотган шахс қўлга олинди” номли мақола маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро М.А. ноқонуний даромад орттириш мақсадида валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш билан шуғулланган.

Аниқланишича, мазкур фуқаро 2019–2020 йилларда интернет тармоғидаги Telegram каналида фуқароларга 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги криптоактивлар кўринишидаги маблағларни айирбошлаш орқали хорижий давлатлар фуқаролари билан чет эл валютасини ўтказиб келган, Bitcoin олди-сотдиси билан лицензиясиз шуғулланган.

Мазкур ҳолат юзасидан М.А.га нисбатан Жинойт кодексининг 177-моддаси (*валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш*) ва 190-моддаси (*фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш*) билан жинойт иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилган [1, Б-1].

Мазкур ҳолатда фуқаронинг ҳаракатларида электрон валюта қимматликларини божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб чиқиш жиноий ҳаракати мавжуд. Аммо Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига электрон валюта қимматликларини ноқонуний равишда хорижий давлатларга олиб чиққанлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган. Фақат нақд валюта пул маблағлари Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 182-моддаси (*божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш*) билан жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу жинойтни содир этиш бугунги кунда янги пайдо бўлган ижтимоий хавфли қилмиш сифатида кибермаконга кўчиб ўтмоқда. Лекин Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига кибермакон орқали валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиб чиқиб кетганлик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланмаганлиги, бу турдаги жиноий қилмишларни 16 та тезкор-қидирув тадбирларини қўллаб фош этиш имкониятини йўққа чиқаради. Чунки шахс жинойт содир этмаган ҳисобланади ва ушланган тақдирда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг “Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатларини чегаралаш” номли 11-моддасида тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг 43 (345-модда. Жинойт ишининг терговга тегишлилиги)

46<sup>1</sup>-бобларида (381<sup>2</sup>-модда. Жиноят ишининг терговга тегишлилиги) назарда тутилган терговга тегишлиликка мувофиқ ўтказилиши белгиланган. Яъни ҳар бир тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган Жиноят-процессуал кодекси билан уларга тақсимлаб берилган Жиноят кодекси моддаларида кўрсатилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ваколатига эга бўлиб, янги пайдо бўлган ва Жиноят кодексига киритилмаган ижтимоий хавфли жиноий қилмишни 16 та тезкор-қидирув тадбирларини қўллаб фош этиш ваколатига эга эмас. Чунки бундай қилмиш Жиноят кодексига киритилмаган ва Жиноят-процессуал кодекси билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга тақсимлаб берилмаган.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг “Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари” номли 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ходисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш вазифаси белгиланган. Аммо шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ходисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида тўпланган ахборот Жиноят кодексига киритилмаган янги пайдо бўлган ижтимоий хавфли жиноий қилмиш бўлган тақдирда, ушбу вазифани бажариш ва мантиқий яқунига етказиш имконсиз бўлиб қолади.

Махфийлик асосида кўмаклашувчи шахслар ва бошқа ахборот манбаларидан тезкор ходимга келиб тушган, Жиноят кодексига киритилмаган янги пайдо бўлган ижтимоий хавфли жиноий қилмиш ҳақидаги бирламчи маълумот, тезкор-қидирув тадбирларини қўллаш жараёнида олинган маълумотларни умумлаштиришга хизмат қиладиган тезкор-қидирув иш юритуви йиғма жилдларида сақлаш учун жамланади, у маълумотга муносабат билдирилмайди. [2, Б-331].

Бундай ҳолатда тезкор-қидирув фаолиятининг жиноятларга тезкор муносабат билдириш функцияси ўз вазифасини бажармай қолади. Яъни жамиятда янги пайдо бўлган ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ходисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тўғрисидаги ижтимоий хавфли жиноий қилмишларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш имконсиз бўлиб қолади.

Бу борада шуни айтиш жоизки, “Тезкор-қидирув фаолияти” атамасидаги “тезкор” сўзи, биринчидан, тўғридан-тўғри, амалда бирор нарсани бажарувчи, иккинчидан, ишларнинг боришини тез, ўз вақтида тўғрилаш деган маънони англатишини инобатга олиш лозим [3, Б-22].

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш борасида янги пайдо бўлган жиноий қилмишларга барвақт тезкор муносабат билдириш, яъни уларни шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига хавф ва таҳдид солиб улгурмасдан аниқлаш ва олдини олиш имконини берувчи тезкор-қидирув тадбири мавжуд эмас.

Шу боис, тезкор-қидирув тадбирларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий хавфли жиноий қилмишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни олдини олиш имконини берувчи тезкор тадқиқот номли янги тезкор-қидирув тадбирини жорий этиш зарурати мавжуд.

Келгусида жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий хавфли жиноий қилмишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни олдини олиш мақсадида қуйидагича мазмундаги тезкор тадқиқот номли янги тезкор-қидирув тадбирини Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига ўзгартириш киритиб, ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ:

“тезкор тадқиқот – тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига зарар етказувчи хавф ва таҳдидлар, янги ижтимоий хавфли қилмишлар, шахслар, ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар), ходисалар, уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар ва омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлган тезкор-қидирув тадбиридир”

Мазкур “тезкор тадқиқот” номли тезкор-қидирув тадбирининг тузилиш элементлари куйидагилар:

Тадбирнинг мақсади: шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига зарар етказувчи хавф ва таҳдидлар, янги ижтимоий хавфли қилмишлар, шахслар, ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар), ҳодисалар, уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар ва омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

Тадбирни бажарувчи субъект – тезкор ходимлар;

Тадбирнинг объекти – шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига зарар етказувчи хавф ва таҳдидлар, қонунчилик билан тартибга солинмаган янги вужудга келган ижтимоий хавфли қилмишлар, шахслар, ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар), ҳодисалар, янги салбий тенденциялар ҳамда уларнинг юзага келишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар, омиллар, вазиятлар, ҳолатлар, воқеалар ҳақидаги маълумотлар ва ахборотлар, моддий ашёлардир;

Тадбир натижаларини расмийлаштириш ҳужжати – тезкор тадқиқот маълумотномаси. Ушбу тезкор тадқиқот маълумотнома кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади. Тезкор тадқиқот маълумотномасининг кириш қисмида шахс, жамият, давлат хавфсизлигига хавф ва таҳдид солувчи янги ижтимоий хавфли қилмиш, салбий тенденция ва муаммонинг долзарблиги кўрсатилади. Асосий қисмда эса, фактлар, статистик маълумотлар, ҳолатлар, вазиятлар тавсифи кўрсатилади ва таъсир этувчи омиллар, сабаблар, шарт-шароитлар ёритиб берилди.

Хулоса қисмида эса, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига зарар етказувчи хавф ва таҳдидлар, қонунчилик билан тартибга солинмаган янги ижтимоий хавфли қилмишлар ва уларнинг юзага келишига имкон берган сабаблар, омиллар, шарт-шароитлар, вазиятлар, ҳолатлар, воқеаларни бартараф этувчи таклифлар кўрсатилади. Тезкор тадқиқот маълумотномаси қоида тарикасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарига тегишли чора-тадбирларни кўриш учун тақдим этилади [4, Б-241].

Мазкур таклифни қонунчиликка жорий этиш келгусида Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлигини оширишга, янги пайдо бўлган жиноий қилмишларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишга имконият яратади.

**ИҚТИБОСЛАР**

1. “Тошкентда нақ 3 миллион долларлик Bitcoin сотган шахс қўлга олинди” номли мақола. <https://www.terabayt.uz/post/toshkentda-naq-3-million-dollarlik-bitcoin-sotgan-shaxs-qolga-olindi> (2023 йил 12-январ ҳолатида).
2. Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти // Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. – Тошкент.: Lesson press, 2020. – 472 Б.
3. Оперативно-розыскная деятельность: Учебник. 2-е изд., доп. и перераб. /Под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Сенилова, А.Ю. Шумилова. М.: ИНФРА-М, 2004. - XIV, 848 С.
4. Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти // Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. – Тошкент.: Lesson press, 2020. – 472 Б.

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)



**IMFAKTOR  
PAGES**